

Боғловчи феъллар семантикасини таҳлил қилишда майдон назариясининг қўлланилиши

**ҚДПИ инглиз тили
ўқитувчиси М.Эргашев**

Лингвистик таҳлилнинг асосий мақсадларидан бири бу - таҳлил жараёнида ҳар бир нарсанинг моҳиятини шу нарсанинг ўзига ўхшаш, айна вақтда ундан фарқ қиладиган ва ҳатто, унга зид келадиган нарсалар билан бўлган муносабатини очиқ беришдир. Тил бирликларининг ўхшашлик (paradigmatic), кўшничилик (syntagmatic) ва поғоналилиги (hierarichal) каби асосий муносабат турлари, уларнинг моҳияти ҳақида батафсил гапириб ўтмасак ҳам бўлавереди. Тизимнинг қонуниятлари, тилни система сифатида ўрганиш усуллари билан танишишдан асосий мақсад, инглиз тилидаги ҳаракатни билдирувчи феъллар семантикасини чуқур ўрганиш ва мазкур маънони ифода этувчи лексемаларни систематик нуқтаи назардан ўрганиш йўллари белгилаб олишдир.

Лексемаларни тизим сифатида ўрганишдаги асосий мезон уларни ўзаро ички муносабатлар асосида муайян қаторларга, гуруҳларга, тур ва туркумларга - катта-кичик парадигмаларга (ўхшашлик қаторларига) бирлаштиришдир. Шундай қатор, гуруҳ, тур ва туркумларда - лексемаларнинг ўзаро шакл ва мазмун муносабатларида ҳар бир лексеманинг, лексема қаторларининг, гуруҳларининг моҳиятини, табиатини билиш, аниқлаш мумкин бўлади. Лексемаларнинг ўзаро муайян ўхшашлиги, фарқи ва зидлиги каби маъно муносабатлари асосида бирлашган гуруҳлари эса лексик система ёки луғавий система деб юритилади. Луғавий система (Vocabulary system) ҳам, барча тил тизимлари каби поғонали (иерархик) қурилишга эга бўлади. Яъни, луғавий тизимнинг ўзи мураккаб - бир неча таркибий қисмларнинг бирикишидан ташкил топади. Ҳар бир таркибий қисм эса ўз навбатида мураккаблиги билан ажралиб туради. Бинобарин буларнинг ҳар иккиси (дастлабкиси ва охиригиси) ҳам мураккаб бўлиб, бу жараён алоҳида, яқка сўзгача давом этади.

Тилнинг луғат таркибини тизим тарзида ўрганиш янгилик бўлсада, бу йўналишда ҳаракатлар аввал ҳам мавжуд бўлган. Қуйида биз бу масаланинг қисқа тарихи билан танишиб чиқамиз. Сўз маъноларини тизим сифатида, яъни майдон ёки бошқа турли лексик-семантик гуруҳ каби тушунчадар ёрдамида гуруҳлаш, эски семантикага оид ҳодиса. Тилнинг луғат таркибидаги бу каби гуруҳлар уларнинг қандай деб номланишидан қатъий назар, яъни улар антонимик қаторларми, синонимик қаторми, тематик гуруҳларми - буларнинг

хаммаси лексик ёки семантик майдон деб аталиши бир тушунчанинг турли кўринишларидир. Аммо, одатда «майдон» атамаси сўзларнинг анчайин катта гуруҳига нисбатан қўлланилади.

Турли тадқиқотчилар тил луғат таркибининг тизимий характериға турлича ёндошганлар ва ўз нуқтаи назарларига кўра, турлича майдонларни топганлар. Шу нуқтаи назардан уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

М.М.Покровскийнинг майдон назарияси. 1890 йилда рус олими М.М.Покровский¹ тил луғат таркибини тизим тарзида ўрганиш вазифасини уз олдиға мақсад қилиб қўяди. У уч мезон асосида майдонларни белгилайди. 1) тематик гуруҳлар (бунда сўзлар бир тасаввур доираларига мансуб бўлади);

1) синонимия;

2) морфологик алоқалар.

М.М.Покровский томонидан аниқланган майдонлар одатда, иш-ҳаракатни бажарувчилар номи, иш қуроллари номи, иш-ҳаракат турлари, ҳамда янада мураккаброк муносабатлар асосига ўрнатилган, масалан, феъллашган отларнинг феълларға муносабати асосига алоқадор бўлиши мумкин.

«Ухшаш тасаввурлар» тизимини тилшунос, ижтимоий ва хўжалик ҳаётнинг турли ҳодисалари тизимлари билан боғлади.

Лексик майдонлар назариясининг кейинги кўриниши немис тилшуноси Иост Трид² томонидан яратилган бўлиб, 1931 йил майдон назариясига аниқлик киритиб, уларни лексик ва тушунчалар майдониға ажратишни тавсия қилди. Тушунчалар майдони бу - марказий тушунча атрофига марказлашган ўзаро бир бириға боғлиқ тушунчаларнинг кенг тизимидир. Лексик майдон қандайдир бир сўз ёки унга сўзлар боғлаш ёрдамида ясалади. Лексик майдон тушунчалар майдонининг фақат бирор бир қисмини ташкил этади, қолган қисми эса бошқа бир лексик майдон томонидан қопланади.

Ифода планида тушунчалар майдони мозаикасимон ташкил этувчилардан тузилган бўлади. И.Трир луғат таркибини турли рангдаги бирликларнинг иерархик тизим шаклида беради-ки, энг юқори рангдан энг қуйи ранггача, яъни алоҳида бир сўзларға бўлади. Бу тизимда сўзға бўйсинувчи роль берилган. И.Трир томонидан ишлаб чиқилган принципға кўра, тил луғат таркибини ўрганишни моддий дунё предметларига қарши қўяди. Бу концепция тилшуносликдаги бошқа йўналиш вакиллари томонидан қаттиқ танқид остиги олинади.

Кейинги майдон назарияси В.Порцигға тегишли бўлиб, у 1934 йилда

тўлик шаклланиб бўлган. В. Порциг ўз назариясини Яратишда шу нарсага эътибор бердики, ўзбек тилидаги «ушламоқ», инглиз тилида "to hold" ёки "to grasp" феъллари тилда "қўл" деб номланган отнинг бўлишини тақозо этади. Лекин тескари алоқа мавжуд эмас, яъни қўл билан фақатгина ушланмайди, балки бошқа кўп иш-ҳаракатларни бажариш мумкин. Мана шу асосда В.Порциг тилда "элементар семантик майдонлар" ни топдики, уларнинг ядроси бўлиб ҳар доим феъл ёки сифат бўлади, чунки суз туркумлари ҳар доим кесим вазифасини бажаради. Масалан:

To hold - a hand ушламоқ - қўл

To bark - a dog хурмоқ - ит

To wink- an eye қисмоқ – кўз

To bite – teeth тишламоқ – тиш

White - hair оқарган - соч

Кейинги пайтларда бу каби майдон назарияси тилнинг чуқур ёки куйи семантик структураси асос бўлиб хизмат килди.

Лексик майдонларнинг мавжудлигининг ўзи, тилда сўзларнинг бир-бири билан боғланиши нутқда айниқса яққол намоён бўлади. У турлича характерга эга ва тип сифатида умумлаштиришга йўл қўяди. Энг кучли боғланишлар «порциг майдони» нинг сўзларига тегишлидир. Бу ўринда нутқда феъл ёки сифатнинг келиши, мос келувчи отнинг қандай бўлишини олдиндан айтиб бериш имконини беради. Масалан. *Where is it barking?, What is singing?, I can't bite it.* — *Қаерда вовилляпти? (ит ҳақида), Сайраётган нима? (қуш), Мен бунни тишлай олмаяпман (тишим билан).*

Айрим ҳолатларда эса сўз маъносини пайқаб олиш мумкин бўлган ҳеч қандай белги топилмайди ва келадиган сўзнинг маъносини айтиб беришнинг имкони бўлмайди. Масалан:

Боши (осмонга) етди

Тарвузи (қўлтигидан) тушди

Оғзи (қулоғига) етди

Бир (ёқадан) бош чиқармоқ

(тишини) қайрамоқ

Қуйидаги жадвалга эътибор беринг:

№	Феъллар	Бор кучи билан	Секин-аста	Чин юракдан	Жони борича	Қорнига сикқанича	Юрагини ховучлаб
1	югурмоқ	+	+	-	+	-	+
2	ашула айтмоқ	+	+	+	-	-	-

3	севмоқ	-	-	+	-	-	-
4	қўллаб қувватламоқ	-	-	+	-	-	-
5	овқатланмоқ	-	+	-	-	+	-
6	кўрмоқ	-	+	+	-	-	-
7	кўрмоқ	-	-	-	-	-	-
8	эсмоқ	+	-	-	-	-	-
9	гапирмоқ	-	+	+	-	-	-
10	тепмоқ	+	+	-	-	-	-

Бу жадвалда «кучли» тушунчасини билдирувчи, "жуда" сўзларининг синонимлари келтирилган.

Сўзнинг бирикиш фактларининг йиғиндиси унинг дистрибуциясини ташкил қилади. Юқорида келтирилган жадвалда ўзбек тилидаги ўнта феълнинг олти равишга нисбатан тўла дистрибуцияси берилган. Лекин булар у ёки бу феълнинг дистрибуцияси тўлиқ берилди, дегани эмас. Чунки феъллар турли отлар билан боғланганда, ўша отнинг хусусиятидан келиб чиққан холда турли маъно кўринишларини намоён этиши мумкин. Масалан: Қуйидаги мисолларимизда рус тилидаги бир сўз инглиз ва ўзбек тилларига турлича таржима қилинади.

1. Человек идет - a man is walking - бир одам кетаяпти
2. Трамвай идет - tram runs (tram moves) - трамвай кетаяпти
3. Часы идут - clock works - соат юраяпти
4. Время идет - time flies (time passes) - вақт ўтаяпти
5. Снег идет - snow is falling - қор ёғаяпти
6. Шляпка идет - the hat is becoming - шляпа ярашди
7. Фильм идет - the film is on - кино бўляпти
8. Смена идет - generation to come - келажак авлод
9. Кровь идет - blood circulates - қон айланмоқда
10. Дым идет - the smoke is coming out - тутаяпти (тутун чиқаяпти)
11. Слухи идут - rumors spread - миш-миш тарқалди.

Худди тпу каби инглиз тилидаги *to die* феъли турли позицияларда турлича маъно билдириши мумкин. Масалан *to die*- *ўлмоқ*, *вафот этмоқ*, *ҳалок бўлмоқ*, бандаликни бажо айламоқ, рихлат қилмоқ, нариги дунёга равона бўлмоқ аждодлар хузурига отланмоқ ва ҳ.к. - яъни *to come to the end of the life*. Кучма маънода эса — *to die for smth* - бирор нарсани жуда хоҳламоқ.

1. *to die for a drink* - ўзбек тилидаги «(бирор нарса учун) ўлиб турмоқ» иборасига мос келади, яъни оғзаки нутқда " ўзинг ҳам ўлиб турган экансанда"

деган иборага тўғри келади.

2. *to die down*- кучини йўқотмоқ, *to lose strength*- кучдан қолмоқ, *become faint*- ҳушини йўқотмоқ.

3. *to die away*- кучензланмоқ, *become less strong* — хира тортмоқ, *less loud*-шаштидан қайтмоқ.

тамомила , катъий , бутунлай: *outside* - ташқарида, ташқарига, ташқари томон : *everywhere*-ҳамма ёқда, ҳамма жойда, *everytime*-ҳамма вақт, доим:

Ўрин эргаш гап (*Adverbial Clauses of Place*) Бош гапдаги ҳаракатнинг ўрнини кўрсатувчи эргаш гап, ўрин эргаш гап дейилади. Ўрин эргаш гап, бош гапга *where* ва *wherever* боғловчилари ёрдамида бирикади.

I could see lamps burning where they had disembarked the new American planes (G. Greene).

"You are a good boy" the old man said, storing away to where the sun was sliding into obseusety behind the distant western hills. (P. Abrahams).

Инглиз тилидаги ўрин эргаш гаплари ўзбек тилига ўрин эргаш гаплар ёрдамида таржима қилинади. "Where's there's smoke, there is fire (P. Abrahams). Қаерда тутун бўлса, ўша ерда олов ҳам бўлади. Wherever I go it's the same thing (Voynich). Қаерга бормайин ҳамма ер шундай (Э. Л. Войнич).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ¹М.М. Покровский. Machine. Eine Semaciologische Skizze. Indo-Germanische for Stungen. N 1931, P 49 – 51
2. ²Y. Trir. Der Deuche Wortschatze im zimbezirc ferstandes. Die Geschichte Eines Sprachliges Feldes. V.1., 1931., P 69-43. Htidelberg.

In this article various semantical meanings of the verbs concretely have been proved through the example of the verb “to die”, comparatively investigated the theory of the field of linguists. The full information has been given about formation and history of learning lexical structure as a system. Adverbial clause of place of the English language was explained through giving Uzbek translation.

В этой статье доказано употребление глаголов в различных значениях при помощи глагола “to die”. Сопоставлено теория поля лингвистов. Даны достаточные сведения о изучении формирования и истории изучения словарного состава языка, как система. Подчинительным предложениям места в английском языке приводятся примеры на ўзбекском языке.